Давлат китоб палатасе
100598

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 17 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 5 (7002)

Da'vat

Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир.
А. БАРБЮС

Ibrat

Андижон шаҳар Муқимий номидаги 29-мактабнинг янги 800 ўринли биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишни Андижондаги 161-қурилиш бошқармаси ҳиссадорлик жамияти жамоаси амалга оширди.

Munosabat

МАКТАБДА ХАЛҚ МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони маънавиятни ривожлантириш мақсадидаги яна бир қадам бўлди. Негаки, Ватанимиз, халқимиз тарихидан сабоқ бергувчи жонли дарсхоналар — музейларнинг ёшларни ватанпарвар, халқпарвар қилиб тарбиялашдаги ўрни беқиёс. Яна шуниси қувончлики, республикамизнинг кўпчилик мактабларида ўз музейлари бўлиб, улар аввало ушбу илм маскани ҳақида сўзлайди. Албатта, бу каби хайрли ишлар тиниб-тинчимас таълим фидойилари саъй-ҳаракатлари натижаси. Мазкур Фармон эса бу каби ишларни янада жонлантиради, музейлар фаолияти самарасини яна бир қадар оширади.

Мактабда музей яратишдек хайрли ният қилган ва ўз мақсадига эришган кишилардан бири ҳақида қуйидаги мақолада ўқийсиз.

Абдуллажон Нуриддинов 66 ёшда. Нафақада. Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактаб бу инсон учун қадрдон гўша. Нега дейсизми?

Бу ерда Абдуллажон аканинг саъй-ҳаракатлари, елиб-югуришлари эвазига вужудга келган ажойиб-гаройиб музей бор. У ҳар куни ўша музейда, нималардир қилсам дейди.

Келинг, яхшиси музей ҳақида билганларимизни сўзлаб бера қолайлик...

Бу музейга 1964 йилда асос солинган. Орадан ўн йил ўтиб, хоналар кўпая бошланган. Геология хонаси, «Жанговар ва меҳнат шуҳрати хонаси», экология хонаси, ҳаттоки маданий-маърифий тадбирлар учун ҳам алоҳида хона ташкил этилди.

1980 йилнинг 19 феврали... унутилмас кун бўлди. Республика Маданият ишлари вазирлиги мактаб музейлари ўртасида ўтказилган кўриктанлов натижаларига кўра, бу ерни «Халқ музейи» деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўша куни Абдуллажон аканинг кўзларидан севинч ёшлари милтиллади. У аслида ташкилотчи сифатида бунга даъвогар ҳам эмасди. Меҳнатни шунчалик қадрлащар, юксак билишар экан-да, дея кунглидан кечди.

Ҳозирда халқ музейида 16 мингдан ортиқ хилма-хил экспонатлар бор. Хоналар гўёки очиқ тарих. Сизни тоғу-тошлар, саҳролар, ўрмонлар, виқорли қоялар ўраб олгандек бўлади.

Музей хоналарини шунчаки томоша қилиш учун камида икки соат вақт керак. Экспонатлар олдидан бефарқ ўтиш қийин. Улар қайсидир жиҳатлари билан беихтиёр эътиборингизни тортади, қандайдир саволлар туғилади, жавоб топишга ошиқасиз. Сизни етаклаб юрган ўқувчилар саволингизга жавоб муҳайё қилибгина қолмай, сизга бошқа маълумотлар ҳам беришади. Табиат ва геология хоналарига қўйилган Нанай, Унгор, Почча ота, Шоҳимардон, Ҳайдархон, Уш, Арслонбобдан келтирилган тоғ жинслари ҳақида соатлаб ҳикоя тинглашингиз мумкин. Ўқувчилар бу жинсларни ўша жойларга уюштирган саёҳатларидан олиб келишган.

Экология хонасида сақланаётган ҳамма ёғи илма-тешик бўлиб кетган чирик ёғоч бўлагини эслатувчи тошда қандай хусусият бор экан? У Наманган сойдан топилган. Сойнинг ўтмиши ва бугунидан сўзлайди. Айрим ноқобил кишиларни инсофу диёнатга, табиатга нисбатан меҳр-шафқатли бўлишга ундайди. Мактабда ўқув йилининг сўнгги чорагида

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

«Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида

«Алпомиш» достонининг аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлигини, ушбу достон яратилганлигининг 1000 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигини инобатга олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини 1999 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари биргаликда 1999 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро конференция ва Сурхондарё вилоятида тантанали байрам тадбирларини тайёрласинлар ва ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

«Алпомиш» достони, умуман, халқ ижоди намуналари асосида театр спектакллари, адабий-бадиий композициялар яратишни кенгайтирсин;

Фанлар академияси ва Бадиий академия билан биргаликда етакчи музейларда этно-график кўргазмалар ташкил қилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси, «Ўзтелерадио» ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Термиз шаҳрида 1999 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг мамлакат кўрик-танловини ҳамда халқаро фестивалини ўтказиш, энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида теле-видеофильмлар яратиш ишларини ташкил этсин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вилоятнинг ички имкониятлари ҳисобидан Термиз ва Бойсун шаҳарларида замонавий дам олиш иншоотларига ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил қилсин.

5. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 1999 йилда «Алпомиш» достонининг тўла нашрини ўзбек ва рус тилларида чоп этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Алпомиш» достонининг танланма тўпламларини, жумладан, достоннинг қорақалпоқ тилидаги вариантини, достон ҳақидаги тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолаларни чоп этишни режалаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

«Алпомиш» достонининг академик нашрини амалга ошириш ва хорижий тилларда нашр этиш масаласини ҳал этсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда 100 жилдлик «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» тўпламларини нашрга тайёрласин ва 2001 йилдан бошлаб уни нашр этишга киришсин.

8. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси «Алпомиш» кўп серияли бадиий фильмини ва болалар учун мультипликацион фильмлар туркумини ҳамда атоқли халқ бахшилари ҳақида ҳужжатли-публицистик фильмлар яратишни режалаштирсин.

9. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Алпомиш» достони сюжети, умуман халқ ижоди намуналари асосида ишланган суратлар, тасаввури билан боғлиқ рамзлар, халқ бахшиларининг сиймолари акс эттирилган почта маркалари, открткалар ва конвертлар туркумини чиқарсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта миллий спорт ўйинлари - Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказсин.

11. «Ўзтелерадио» ва бошқа оммавий ахборот воситалари «Алпомиш» достони ва умуман ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг ёритсинлар.

12. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, жаҳон оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳамда Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлар ҳисобидан тенг улушларда қопланишини ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратишни назарда тутсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 13 январь

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқимизнинг энг қадимий ва саховатли байрами — Наврўз яқинлашиб келмоқда. Миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашни ўзида таннум этувчи бу умумхалқ байрами мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланади.

Вазирлар Маҳкамасида ана шу умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрами асосий томошасининг сценарий режаси ҳамда саҳнани безаш ишларига тайёргарликнинг бориши ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва томоша бош режиссёри Р. Ҳамидовнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг еттинчи йили баҳорида нишонланадиган бу галги байрам алоҳида кўтаринкилик руҳида ўтади. Байрам томошалари мучал билан боғлиқ мусиқий-театрлаштирилган саҳна билан бошланади. Дастурда бу йил юбилейлари нишонланадиган Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган лавҳалар ўз ифодасини топади.

Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов Наврўзни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов иштирок этди.

(ЎзА)

БОЛАЛАР ЖИНОЯТЧИНИ ҚЎЛГА ТУШИРИШДИ
3-бет

БЎРИ ИТЛАРДАН ҚЎРҚАДИМИ?
4-бет

Fikr, mulohaza

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

Мамлакатимизда бўлаётган туб ислоҳотлар таълим-тарбия тизимини ҳам инсонпарвар йўналишда шакллантиришни тақозо этмоқда.. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил август ойида бўлиб ўтган IX сессияси «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни қабул қилди. Сессияда сўзлаган нутқида Президент И. Каримов «буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўникмалари даражасига чиқариш»га даъват этди. Масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи инсонпарварлик руҳини қарор топтириш ва маънавиятни миллий заминда барқарор қилишга қаратилгандир.

Маълумки, собиқ Шўролар даврида таълим-тарбиянинг «пролетар-интернационализми» шиорлари остида мафкуралаштирилиши уни миллий-тарихий заминдан маҳрум этиб, инсон шахси маънавий оламини ҳам қашшоқлаштирди, ҳам даҳаллаштирди. У мутелик аҳволи руҳияти (психологияси)ни қарор топтириб, одамларда эркин ижодий фикрлаш қобилиятини чеклаб, ҳатто кишанлаб қўйди. Оддий одамдан тортиб бошқариш тизимида ишлаётган кадрларгача юқоридан бўладиган амр-фармонга қараб туриш ва уни шошма-шошарлик билан хўжакўрсинга бажариш кайфиятини вужудга келтирди. Мактаблар ва олийгоҳлардаги таълим-тарбия йўналиши ҳам ана шундай руҳни қарор топтириш ва муте кадрларни тарбиялашга қаратилган эди. Зеро, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ўзи ижодий фикрловчи, вазиятга қараб қонунлар доирасида мустақил ҳаракат қилувчи кадрларга эмас, аксинча, юқоридан бўладиган буйруқларни оддий ижро этувчи югурдакларга муҳтож эди. Ўша система бундай кадрларсиз ҳаракатга келмас эди. Ана шу ғайриинсоний системанинг асоратларини бирдан тугатишнинг иложи йўқ, аммо у система асосида бозор иқтисоди муносабатларини, ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳам мумкин эмас эди. Ана шу зиддиятни ҳал этиш йўлларидан бири ва айтиш мумкинки, энг муҳими, таълим-тарбияни миллий заминда ва жаҳон андозалари ва қўникмалари даражасида ривожлантириш, шу асосда маънавиятни барқарор қилишдир.

Ҳозирги даврда ҳамма соҳада фаннинг роли ошиб кетди. Бусиз ижтимоий тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Эндиликда фан ва техникага кенг йўл очган давлатнинггина келажаги буюк бўлиши мумкин. Бунинг учун оиладан тортиб боғча, мактаб, олий ўқув юртларигача ёшларда илм-фанни эгаллашга, замонавий техника ва технологияни бошқаришга ихлосни ошириш керак. Бунинг маъноси шуки, бутун таълим-тарбия тизимида ишлаётган кишиларнинг меҳнати қадрланиши, ундаги барча кадрлар ёш авлод учун ўзига хос бир идеалга айланмоғи лозим.

Бугунги кунда таълим-тарбиянинг узлуксиз тизимини шакллантириш масаласи ўртага ташланмоқ-

(Давоми 2-бетда)

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан мамлакатимиз ҳарбий хизматчилари ҳамда Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Прокуратура ходимларидан бир гуруҳи ҳукуматимизнинг орден, медаллари, фахрий ёрлиқ ва унвонлари билан мукофотланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунгни қабул қилди.

• Москвадаги «Дрофа» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини рус тилида кўп минг нусхада нашр этди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий Кон-металлургия комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ва комбинатнинг бутун жамоасини 1997 йил ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан самимий табриклаб, янада улкан зафарлар тилаб мактуб йўллади.

JUMLADA JAHON

• Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Туркманистонга ташрифи давомида Каспий денгизи атрофидаги ҳудудларда ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Болтиқбўйи давлатлари ичида Латвияда миллий валютанинг қиймати АҚШ долларига нисбатан бир қадар мустаҳкам мавқеда турганлигининг боиси мамлакат миллий банкининг муваффақиятли фаолияти ҳамда пул кредит сиёсатининг тўғри олиб борилганлиги билан изоҳланмоқда.

• Францияда янги йил нархларнинг бир неча баробар кўтарилиши, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари 10—15, бензин 12, телефонда сўзлашиш тарифлари эса 16 фоизга ошиши билан бошланди.

• Исроил ҳукумати муборак рамазон ойи муносабати билан мамлакат қамоқхоналаридан 22 нафар араб миллатига мансуб кишиларни озод қилиб юборди.

МІМІМ

ХАБАРЛАРИ

КЕЧА БИЛАН БУГУН ГУРУНГИ

Турақўрғон туманидаги 18-ўрта мактабда «Кечаги ўқувчи — бугун талаба» номли ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Унда шу мактабни тугатиб, бугунги кунда республикамизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар юқори синф ўқувчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар ва маънавият ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

— Бу кун ўқувчилар ёдида абадий сақланиб қолса, ажаб эмас, — дейди ташкилотчи ўқитувчи З. Эргашева. — Янгича дунёқарашга эга бу ёшлар, албатта, ўқувчилар онгига, шуурига ижобий таъсир кўрсатиши, илм олишга бўлган иштиёқларини кучайтириши, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишларида туртки бўлиши, шубҳасиз. Зеро, ёшлар ўзларига ёққанларга ҳавас қилиб, ўшалардек бўлишга интиладилар.

С. ТЎЙЧИЕВ

КЕЛАЖАК УЧУН...

Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги коллежининг устозу талабалари ҳамжиҳатлик билан яқинда кўнгилдагидек жиҳозланган «Маънавият ва маърифат» марказини ишга туширдилар.

— «Маънавият ва маърифат» марказимиз яқин кунларда талабалар билан янада гавжумлашади, — дейди марказ услубчиси Гулнора Раҳматова. — Негаки, коллеж директори Толиб Алимов марказимизга видеомагнитафон ва рангли телевизор олиб беришга ваъда бердилар.

Талабалар маънавиятини ўстириш йўлига сарфланган маблағлар юртимиз келажагининг буюклигини таъминлаши, шубҳасиз.

А. ОБИДДИНОВ

ЯНГИ УЧРАШУВ ТАФСИЛОТИ

Марҳамат туманидаги 10-мактабда туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар бошланғич синф лотин ёзуви ўқитувчиларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Семинар қатнашчилари олти нафар ўқитувчининг очиқ дарсларида қатнашдилар. Қурилган дарслар юзасидан йиғилганлар ўзаро фикр алмашдилар. Кўпчилик йиғилишнинг намунали ўтганлиги ва янги таассуротлар олганликларини эътироф этишди.

А. ЭРАЛИЕВ

МІМІМ

ХАБАРЛАРИ

МАКТАБДА ХАЛҚ МУЗЕЙИ

(Боши 1-бетда)

10-синфларда 16 соатга мулжалланган экология дарслари ўтилади. Улар тупроқ, сув, ҳайвонот, ўсимлик дунёси, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, инсон саломатлиги каби мавзулардан иборат булиб, музей материалларидан фойдаланилади.

Мактаб ўлкашунослик музейи фақат тарих, жуғрофия, экология ўқитувчилари оғирини енгил қилибгина қолмасдан, адабиёт, тасвирий санъат, биология муаллимларининг ҳам иккинчи дарсхонасига айланган.

Музейнинг ташкилотчиси Абдуллажон Нуриддиновнинг умри мактабда ўтди... У машина олишга, данғиллама участка қуришга қизиқмади. Ҳар бир инсондан яхши ном қолиши учун савоб ишлари ҳисобга олинишини англаб етди. Мана, унинг яхши иши... Музейдаги ҳар бир экспонат Абдуллажон аканинг елиб-югуришларидан сўзлаб тургандек бўлади.

Бу ҳокисор ва фидойи инсоннинг фарзандлари — Шоирахон, Зуҳрахон, Нодирахон, Бахтиёржонлар ота изидан кетишди. Бундан ташқари, у кишининг 60 дан ортиқ шогирдлари бор.

Музейлар қандай барпо қилинади? Уларнинг аҳамияти нимадан иборат? Абдуллажон Нуриддиновдан буни кўплар ўрганишмоқда. Ҳозирда шаҳар халқ таълими бўлими, машинасозлик заводининг «Жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати хонаси», шаҳардаги бир қатор мактабларнинг музейлари, Турақўрғон туманидаги ҳўжаликлар музейлари, Андижон вилоятининг Ҳўжаобод туманидаги 20-мактаб музейи у кишининг маслаҳатлари, бевосита иштирокларида очилган.

— Бу музейни ташкил этиш осон бўлган дейсизми? Эҳҳе, мен сизга айтсам, ҳар бир экспонат қай тариқа, қаердан йиғилганининг ўзи бошқа-бошқа тарих, — дейди Абдуллажон ака Нуриддинов. — Кейинги йилларда музейни бойитишга собиқ ўқувчиларим ёрдам беришган. Жавонларнинг аксариятини «Ўзэлектротерм», «Нотўқимачи», «Машзавод» ҳиссадорлик жамиятлари, 15-авторемзавод, вилоят сув хўжалиги бирлашмаси раҳбарларининг ёрдамлари билан вужудга келтирганмиз. Қайсидир ташкилот, корхона материаллардан ёрдамлашган бўлса, бошқаси машина билан таъминлаган. Саёҳатларга ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда борганмиз. Собиқ шогирдларим ҳозир ҳам хизматимга тайёр...

Абдуллажон ака ёниқиб сўзлайди. Қалбида худди утли бир ҳарорат борга ўхшайди. Бундай инсонлар орамизда кам. У «Пайванди жоним — Ватан» деб номланган кўргазмали қуролларнинг ҳам муаллифидир. Қисқа, лунда жумлаларни ўқиб туриб, мулоҳазага ботасиз. «Ватан нима ўзи? Буни аввало муҳожирликда юрганлардан сўрамоқ жоиз» дейди муаллиф. «Ватан — бу сенинг қалбинг, орзу-армонларинг, борлигинг, йўқлигинг, гуноҳу хатоларинг, йиғиларингу қувончларинг сиғадиган жой» деган сўзларни ўқиркансиз, чиндан ҳам шундаймикан, дея ўйлаб қоласиз.

Халқ музейи зиёратгоҳ жойга айланди...

40-ўрта мактаб жамоаси бу музейлари билан мақтанишади. Унинг ташкилотчиси Абдуллажон Нуриддиновни беқиёс ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Зеро, у бунга арзийди...

М. ТУРОПОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

Fazilatli kishilar

ҲУНАР — ЗАР

Ҳаёт қизиқ. Унинг ютуқлари, шодликлари чеккан машаққатларинг сармоясидир. Инсон дунёга келибдики, машаққат ва маънавият довонини босиб ўтишга ва албатта, илм ва ҳунар эгаллашга ҳаракат қилади.

Ривоят қилишларича, қадимда бир подшо камбағалнинг қизига уйланибди. Қизнинг қўлида ажойиб гилам тўқиш ҳунари бор экан. Кейинчалик бу ҳунар сир-асрорларини подшога ҳам ўргатибди. Бир куни сафарга кеттан чоғида подшо бошига оғир кун тушибди. У малика ўргаттан ҳунарини ишга солибди, яъни гилам тўқибди, гилам нақшларида эса унинг кулфати акс этибди. Малика гилам нақшларидан ҳамма гапни уқиб, подшоҳни хавфу хатардан озод этган экан.

Бу — ривоят, аммо унинг замирида бир олам маъно ётибдики, ҳунарли инсон ҳеч қачон хор бўлмас. Ҳозирги давримизда ҳам, инсонга 70 ҳунар ҳам оз деганларидек, моҳир пазандалик, қандолатчилик сирларини шогирдларига сидқидилдан ўргатаётган ўзбек аёллари камми?

Очиғи, «Машҳура» фирмаси пазандаси Муҳаббат опа Мамутова ҳам касбининг сир-асрорларини бошқаларга ўргатишдан чарчамайдиган аёл. У дарс берадиган даргоҳга борсам, дарс машғулоти энди бошланган экан. Кирдим. Машғулот давомида қизларга ўзбек миллий таомлари, қандолатчилик, салат турлари ва пишириш сирлари ўргатилди. Машғулотни кузатар эканман, Муҳаббат опанинг чаққон хатти-ҳаракатлари, вақтининг беҳуда кетмаслиги ҳамда озодаликка эътибори мени ҳайратга солди. Машғулот тугагач, ҳар бир қизнинг юзида мамнунлик барқ урар, устозлари Муҳаббат опа қизларининг «муҳаббати»ни қозонган эди, чамамда.

Қисқача суҳбатдан сўнг мен Муҳаббат опани саволга тутдим.

— Муҳаббат опа, ҳар куни кечгача қизлар билан машғулотда бўлар экансиз. Машғулот давомида толиқиб қолмаяпсизми?

У киши енгилгина қулдилар-да:

— Баъзида. Лекин ўрганиб кеттанман. Ҳаммаси аёл кишининг рўзғор юмушлари. Ўйлайманки, ўргатаётган ҳунарим қизларга келажакда жуда ҳам асқотади. Ахир, қиз бола одоби, муомаласи, чаққон хатти-ҳаракати, қўлида гулдек ҳунари билан гўзал. Ажабмас, кейинчалик қизларим файзли хонадоннинг моҳир пазандалари бўлиб, эл оғзига тушса. Ахир, дейишади-ку: Ҳунар — ҳунардан ризқинг унар...

О. КАЖАНОВА

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Индонезия Президенти Сухарто мамлакат Халқаро валюта жамғармаси томонидан таклиф этилган ислоҳотлар дастурини маъқуллаган.

***

Британия ташқи ишлар вазири Робен Кукнинг маълум этишича, Оврўпа Иттифоқи Жазоирда сўнги олти ой ичида кечган хунрезликларни ўрганиш учун у ерга юқори даражадаги вакилларни келаси ҳафта жўнатиш қарори берилган.

***

Хитой вице-президенти Ронг Ерен Хитой Тожикистон билан алоқаларни ривожлантириш ниятида эканлигини билдирган. Хитойга ташриф буюрган Тожикистон Мудофаа вазири Шерали Хайруллоев билан учрашувлардан сўнг жаноб Ронг Ерен Тожикистон билан алоқаларни ривожлантиришга тайёрлигини айтган.

***

Жазоирнинг жанубишарқида жойлашган мавзеларнинг биридаги Бараке масжидида бомба портлаган. Хабарларга кўра бир киши ҳалок бўлган ва саккиз киши яраланган.

ВВС (Лондон)





*

Қўқон шаҳридаги «Мезон» ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси шаҳардаги 33 та мактабни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Ушбу соҳа устасига айланган корхона раҳбари А. Абдураззоқов бошқошлигида ишларнинг нечоғлик намунали йўлга қўйилганлигини барча мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг корхона жамоасига бўлган чексиз мамнуниятидан ҳам билса бўлади.

Суратларда: нонвой Назокат Каримова, қандолатчилар Ислом Раҳмонов ва Азиз Раҳмоновлар тўкин дастурхон «ижодкорлари».

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар

*

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

(Боши 1-бетда)

да. Яъни узлуксиз таълим-тарбия тизими тарбияни анъанавий эски усул бўлган ва шахснинг маънавий-руҳий ҳолда шахс сифатида такомиллашувини эмас, балки унинг тор ихтисослик вазифалари ва лавозим бурчларини шунчаки бажаришга мўлжалланган мутахассис сифатида шаклланишини асосий мақсад қилиб қўйган андоза (стандарт) ва қолиплардан воз кечишни назарда тутади. Таълимнинг ўқув ва маданий-тарбиявий вазифалари, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган. Мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги миллатнинг маънавий меросидан озиқ оладиган, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий имкониятлари, кенг қамровли дунёқараши ва теран ақлидроки билан ўзаро уйғунлашиб кетиши лозим.

Шарқ ва Ғарбда улуғ мутафаккир, ҳур фикрликнинг буюк даҳоси сифатида танилган шайх Умар Хайём айтган эдиларки, инсон шу дунёнинг тилаги, самари ва ақл кўзининг гавҳаридир. Демак инсон, унинг камолоти, эркинлиги узлуксиз таълим-тарбия тизимининг марказида турмоғи лозим. Инсон инсон учун олий қадрият, олий мақсад бўлиб қолиши, бунинг учун эса аввало ёшларнинг таълим-тарбия соҳасида хизмат қилаётган барча кишиларнинг, Ҳазрат Навоий айтганларидек, ўзи поку дили пок бўлмоғи лозим. Буюк бобокалонимиз Зардушт Сепитома келажак авлоднинг фикри эзгу, сўзи эзгу ва амали эзгу бўлишини жуда-жуда орзу қилиб шундай одамларнигина аъло инсонлар қаторига кўшиш мумкин деган эди. Улуғ аждодларимизнинг юқоридаги ўгитлари, орзу-умидлари ҳамма фанлар дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда тегишли равишда ифодасини топмоғи лозим.

Ўзбекистон жаҳонга юз тутди, жаҳон ҳам Ўзбекистонга ўз бағрини очмоқда. Бинобарин, эндиги кадрлар жаҳон халқлари билан доимий мулоқотда бўладилар. Ўзбекистонга, унинг халқига ҳар бир кадрдаги сифатга қараб баҳо берадилар, муносабат белгилайдилар. Буни ҳар бир ёш авлод назарда тутиши, шундан келиб чиқиб таълимга муносабат белгилаши, ўз-ўзини ва миллий ўзлигини англаш муҳимдир.

Таълим ва тарбиянинг узлуксиз жараёни инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожланишининг назарий ва методик жиҳатлари шу соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг онги ва қалбидан зарур даражада ўрин олиши керак. Улар таълим-тарбия «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича белгилайдиган яқин ва узоққа мўлжалланган тадбирларда, ўқув режаси ва дастурлари тузаётганларида, тест саволлари тузаётганларида ва бошқа шу каби таълимий ишларда уларнинг мазмуни инсонпарварлик ғояси билан суғорилган бўлишига асосий эътиборни қаратишлари даркор бўлади.

Узлуксиз таълим-тарбияни ташкил этишнинг ўқув-методик, назарий методологик жиҳатлари бўйича иш кўрадиган давлат муассасалари, уларнинг жамоалари, шунингдек, давлат структуралари жамоалари ўз фаолиятларини белгилаётганларида инсонпарварлик ғояларига қатъий амал қилишлари маънавиятни қарор топтириш манфаатларига хизмат қилади.

Иброҳим КАРИМОВ,
ТошДУ, «Фалсафа» кафедрасининг профессори, фалсафа фанлари доктори,
Эркин ЮНУСОВ,
Олий ва ўрта махсус мактаблари муаммолари институтининг гуманитар таълим ва инсон камолоти бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент

КАТТА ЮТУҚЛАР САМАРАСИ

Избоскан туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси катта ютуқларга эришмоқдалар. Жумладан, 64 катакли шашка мусобақасида вилоятда биринчи ўринни эгалладилар.

Шу мактаб тарбияланувчиси Улуғбек Абдураҳмонов миллий кураш бўйича республика ўқувчилар спартакиадасида 1-ўринни олди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ўтказилган теннис бўйича вилоят мусобақасида ҳам ушбу спорт мактаби жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

Ш. КЕЛДИЕВ

Tanlov

ОИЛАВИЙ БАҲС, ОИЛАВИЙ БАЙРАМ

Халқаро «Экосан» жамғармаси «Энг яхши келинчак» кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Уни «Олтин мерос» халқаро жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси қўллаб-қувватлади.

Жойларда танловнинг илк босқичлари бўлиб ўтмоқда. Бу тадбир Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилга узук кўзидек ярашиб тушди. Пойтахт туманларида бўлиб ўтган тадбирлар оилалар баҳсига, оилалар байрамига айланиб кетди. Бу — келинчакларга берилган имкон, уларга билдирилган ишонч ва меҳр. Шу баҳона келинлар ўзларига ўзгалар нигоҳи ила баҳо берсалар ажабмас. Туманлараро бўлиб ўтаётган танловларни кузатиб қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизга қайтаётганимиз аён бўлди. Келинларимизнинг диду фаросати, одоби, санъатга ошуфталиги кузатувчилар назаридан четда қолмади. Пойтахт шаҳар Шайхонтоҳур тумани келинларинг баҳси Аброр Ҳидоятов маҳалласида бўлиб ўтди. Кўшиқлар, рақслар, келинларнинг баҳсу мунозаралари. Ғолибликка даъвогар келинларга бутун оила бўлиб кўмаклашдилар. Бу оила баҳсига, меҳмоннавозлик, олтин меросларимизни асрай олиш, маънавият баҳсига айланиб кетди. Танловнинг якуний беллашувини Наврўз байрами арафасида ўтказиш мўлжалланган. Ўйлаймизки, келинчак танлови келинларимизнинг, оиланинг ва демакки, халқимизнинг руҳини кўтаради.

Раҳмон АЛИ

ЭНГ ЯХШИ ХОНА

Аввалам бор, миллий таълим ва тарбия тизимини шакллантиришдаги хизматлари учун «Маърифат» газетаси ва унинг заҳматкаш ходимларига самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман. Газетанинг 1997 йил 22 ноябрь сонида эълон қилинган «Мактабда «Маърифат» хонаси» номли мақолада баён этилган тавсияларни ўқиб жуда қувондим. Бунинг боиси шуки, маънавий-маърифий ислоҳотлар мамлакатимизнинг чекка жойларида, хусусан, қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам кўтаринки руҳда бораётганлигидир. Газетада ўртага ташланган фикрлар ғоятда долзарб. Шу билан биргаликда бизнинг миллий мактабимиз энди шаклланиб бормоқда. Табиийки, «Маърифат» хонаси ҳам миллий таълим ва тарбия тизимимиздаги янги йўналишнинг мевасидир. Шу боис биз ҳам газетада ўртага ташланган тавсиялар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни афзал кўрдик.

Энг аввало, бундай хоналарни «Маънавият» хонаси деб атагим келди. Бундай ўйлаб кўрилса «Маърифат» ҳам, маънавият ҳам бир-бирига яқин тушунчалар. Аммо бундан ҳар иккаласи ҳам бир хил маънога эга экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Мактабларимизнинг ўзи аслида маърифат маскани-ку. Маърифат масканида яна «Маърифат» хонаси ташкил этиш мантиққа тўғри келмаса керак.

Бундан ташқари, «маърифат» сўзи бугунги кунда саводлилик, билимлилик сингари маъноларни ифода этади. Тўғри, ўрта асрларда «маърифат» сўзи тасаввуфий тушунча ҳисобланган. Шу сабаблардан келиб чиқиб, бу хоналарни «Маърифат» хонаси деб аташ бироз ноўрин бўлади.

Мактабларда ташкил қилинаётган «Маънавият хонаси» шунчаки кўз-кўз қилиш эмас, балки соф маънавий-маърифий ишлар натижаси ўлароқ вужудга келиши керак. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда «Маънавият» хоналари фақатгина айрим маънавий тадбирларни ўтказиш билан чекланиб, бошқа пайтларда ёпиб қўйилмоқда, «Маънавият хонаси»нинг ишни бундай ташкил этиш самара бермайди. Бизнинг фикримизча, «Маънавият» хоналари шу мактаб ёки бошқа ўқув юртларининг юзи бўлиши, қадриятларга доир дарслар ҳам шу хонада ўтказилиши керак.

«Маънавият» хонасининг бутун мамлакатимизда ягона андозаси бўлиши керакми? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Ташкилий жиҳатдан олиб қараганда, умумий андоза жуда ҳам керак. Лекин тўла-тўкис, ягона андоза бўлиши шарт эмас. Чунки ҳар бир мактаб ўз имкониятидан келиб чиқиб, мазмунан ранг-баранг «Маънавият»хонасини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Мактаб «Маънавият»хонаси айнан ўқувчи-ёшлар иштирокида, уларнинг бевосита ёрдамлари билан ташкил этилса яхши бўларди. Бу нарса ташкил қилинган жиҳозларга нисбатан муносабатни яхшилашга имкон беради.

«Маънавият» хонасини жиҳозлашда миллий маънавиятимизнинг забардаст вакиллари сиймолари акс эттирилган суратларда ҳамда уларнинг донишмандона фикрларидан намуналар, халқимизнинг маданий мероси, урф-одатлари, анъаналарини ифода этувчи видео жамланма, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг нашрлари, «Тафаккур» журналининг барча сонлари ҳамда «Маънавият» нашриётида чоп этилган китоблар, «Маънавият асослари», «Одобнома» ва шунга ўхшаш маънавий-маърифий таълимга оид дарслик, қўлланмалар, мазкур мактаб ўқувчилари ақл-салоҳиятини ва нафосатини ифода этувчи намуналардан фойдаланиш керак. «Маънавият» хонасида таклиф ва мулоҳазаларни қайд этиш дафтари, «Фахр-ифтихор» дафтари (унда миллатимизнинг фахри-ифтихори бўлган кишилар билан учрашувдан дастхатлар ўз ифодасини топиши лозим, ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар рўйхати дафтари, «Маънавият» хонасининг режаси, албатта, бўлиши керак.

Aks-sado

«Маънавият» хоналаридаги доимий ишларни олиб бориш ижтимоий фан ўқитувчиларидан бирига топширилса, анча муваффақиятлар қўлга киритилиши мумкин. Маънавий-маърифий ишлар жамоатчилик асосида ташкил этилса-да, қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш керак. Бу озмиқўпми ишнинг ижобий тарзда боришига таъсир кўрсатади.

Хоналарнинг иш режасига турли анжуманлар, учрашувлар, дарслар киритилса. Яна энг муҳими, ўқувчи ёшлар онг даражасига мос тадбирлар ўтказилиши фойдадан холи эмас. Масалан, ота-оналар ва ўқитувчи ёшлар иштирокида «Оила маънавияти» мавзуида икки томон тенг иштирок этадиган давра суҳбати каби. Бунда тадбирнинг шаклига, яъни унинг қандай тартибда ўтказилишига асосий эътиборни қаратиш керак. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда кўплаб ўқувчилар маърузанинг зерикарли баён қилиш услубидан жуда ҳам безиб қолганлар. Шунинг учун уларнинг замонавий қарашларини ҳисобга олиб, тадбирларни ўтказишнинг шундай бир жонли мушоҳада усулини ўйлаб топиш керакки, тадбир ҳар бир ўқувчи ёшнинг шуурига сингиб, кайфиятини кўтарсин.

Шамсиддин ЖУМАЕВ,
республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси

ҚУЛФ ЭШИКЛАРНИНГ КАЛИТИ

Инсон диди — унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, ўйлари ва кечинмаларининг кўзгусидир. Кишининг дидига қараб ахлоқий тушунчалари, миллий тасаввурлари ва яшаш шароитларини билиш мумкин. Эстетик диди юқори киши ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиб, атрофидагиларга илҳом ва завқ бағишлайди. Дид-фаросати шаклланган, тарбия кўрган одам шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам «ғўзаллик қонуни» асосида иш тутади, соғлом дид унинг ижодкорлик туйғуларини янгилаб туради. Юксак ва соф эстетик дидга эга бўлиш — кишининг ҳам маънавий, ҳам руҳан баркамоллигидан далолатдир.

Албатта, турмуш маданияти даврлар, замонлар ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борди. Инсоннинг табиати ижодкорлиги, ўз меҳнати маҳсулини гўзал қилиб яратишга интилиши бу жараённинг муҳим омилидир. Бинобарин, меҳнат, ижод инсонни улуғлайди, унинг ҳаётига нафосат нурини олиб киради.

Кундалик турмушда фойдаланиладиган барча нарсалар кишининг шахсий дид-фаросатини кўрсатиб туради. Бироқ фаросат кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Кишиларнинг дид-фарсоатлари улар мансуб бўлган миллатнинг гўзаллик борасидаги тушунчалари, даврнинг ижтимоий эстетик идеали таъсирида шаклланади. Зеро, турмуш гўзаллигида инсоннинг савияси ўз ифодасини топади. Инсоннинг табиий хоҳиш ва фазилатлари оилавий турмушида кўринади. Шунинг учун оила ва оилавий муносабатлардаги хушмуомалалик, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этиш, яъни гўзал турмушга интилиш кўпроқ эътиборни талаб этади. Чунки инсон руҳий оламининг, маънавий дунёсига хос барча яхши ва ёмон куртаклар оилада ниш уриб чиқади.

Турмуш гўзаллигининг муҳим жиҳати — кийим-бош танлаш, дид билан кийинишда акс этади. Оддий, чиройли, ярашиқли кийимлар ҳавасимизни келтиради. Замондан ортда қолмай, тоза-озода кийиниб юриш кишининг маданиятлигидан нишонадир.

Инсоннинг энг гўзал сифатлари яна унинг меҳнатга муносабатида намоён бўлади. Бола ёшликдан меҳнатга ўрганса, меҳнат орқали бахтини, ҳаётда ўз ўрнини топади. Саъдий Шерозий «Гулистон» асарида ибратли бир ҳикоятни келтиради. Унда саёҳат орзусида ёнган ўғил отаси билан суҳбат қуради. Ота ўғлига дейди: «Эй фарзанд, сен айтганингдек, сафаринг манфаати кўп ва лекин у беш тоифа одам учун махсусдир. Биринчидан, бадавлат савдогар учун. Иккинчидан, фасоҳат, камолот ҳамда ширин сўзлиги билан иззат-икромга сазовор бўладиган олим учун. Учинчидан, ошиқлар кўнглини ўзига мафтун этадиган соҳибжамол учун. Тўртинчидан, Довуд янглиғ хушовоз... ашулачилар учун. Бешинчидан, қўл учи билан рўзғорини тебратувчи... ҳунармандлар учун» «Бир чимдим ҳусну жамол бир дунё молу мулкдан яхшироқдир! Гўзаллик дардманд кўнгилларнинг марҳаматию қулф эшикларнинг калитидир. Табиийдирки, кишилар, унинг суҳбатини орзу-дидлари деб биладилар ва унга хизмат этмакни фахр деб ҳисоблайдилар», дейди яна ота.

Инсоннинг олижаноблиги хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, ўзидай инсонга беғараз ёрдам қўлини чўзганида намоён бўлади. Беғараз ёрдамгина кишини инсонийлик мартабасига кўтаради, руҳий оламини гўзал туйғулар билан бойитади. Бинобарин, «яхши одам», «чиройли қиз», «келишган йигит», «ажойиб инсон» бўлиш учун жуда кўп гўзал фазилатлар талаб этилади. Ҳар бир «яхши одам» ва «чиройли қиз» гўзал инсон мақомига кўтарилмоғи учун, аввало, ёмон одатлардан холи бўлиши, мақтаниш, бировни менсимаслик, ичиқоралик, кўполликдан ўзини сақламоғи, умрини порлоқ орзулар амалига қаратмоғи, комиллик сари қадам ташламоғи лозим. Дарҳақиқат, инсон руҳини, қалбини бежиз денгизга қиёс қилишмаган: инсон қалби энг қудратли муҳаббат кучини ҳам, қаҳру ғазабнинг даҳшатини ҳам ўзига сингдира олади.

Холмат САМАДОВ,
Мамадиёр ШЕРҚЎЗИЕВ,
Раъно УМАРОВА,
Тошкент молия институтининг фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси доцентлари

Tasavvuf saboqlari

БУЮК КИШИЛАРНИНГ МАСЛАГИ

И. ҲАҚҚУЛ: — Жунайд Бағдодийнинг эътирофича, тасаввуфнинг юзага келишида саккизта хислат асос бўлган. Булар: Сахо, Ризо, Сабр, Ишорат, Ғурбат, Сўф киймоқ, Саёҳат, Фақр. Бу саккиз хислатдан биринчиси, яъни Сахо Иброҳим алайҳиссаломга, Ризо Ҳазрати Исҳоққа, Сабр Айюб пайғамбарга, Ғурбат Ҳазрати Яҳёга, Сўф кийиш Ҳазрати Мусога, Саёҳат Исо руҳуллоҳга ва Фақр Муҳаммад расулиллоҳга оиддир. Ушбу хислатларда ўрнак ва ибрат бўлишда шу пайғамбарлардан илгарилаган ёки илгарилайдиган зот топилмас. Чунки Ҳазрат Иброҳим пайғамбар саховат ва жўмардликда ўғлини қурбон қилиш даражасига кўтарилган, Исҳоқ пайғамбар Оллоҳ амрига ризо бўлиб, азиз жонини фидо этишга ҳозирланган, Ҳазрати Айюб яралари қуртлаганда ҳам сабрида собитлик кўрсатган...

Айтишларича, Ҳазрати Мусонинг барча кийимлари сўфдан бўлган экан. Шу маънода сўфийлар Ҳазрати Мусони ўзлари учун ибрат қилиб олган бўлишлари мумкин. Лекин Абу Наср Саррож Тусийнинг айтишича, сўф кийим умуман пайғамбарларга хос одат бўлган. «Сўф(юнг) киймак набиларнинг одати, пайғамбарлар ва асфиёнинг шиоридир. Оллоҳу Таоло Ҳазрати Исол асҳоби кийган оқ кийимга нисбатла, уларни «ҳаворийлар» деб ёд этган. Оллоҳ уларни эришган илмлари хулқ ёки ҳолларига ишорат айлаб эслаш ўрнига, ушбу ном билан хотирлашни таржиҳ қилгандирки, сўфийларнинг аҳволи ҳам айни шундайдир». Қаранг, бу фикрлар ҳам ишонарли.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Тасаввуф мавзуида кейинги олти-етти йил мобайнида анча-мунча мақола ва рисолалар чоп этилди. Хусусан, бултур филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф» (Биринчи китоб) номли китоби чоп этилди. Домланинг қаноатларига кўра ҳам «сўфий» «сўф»дан ясалган ва бу фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Сиз нима дейсиз?

И. ҲАҚҚУЛ: — «Сўфий» сўзининг маъноси мени ҳам анчадан буён қизиқтириб келади. Бу хусусда айрим фикр ва мулоҳазаларни ҳам айтганман. Лекин очиғи, «сўфий»нинг ўзагини «сўф»га боғлашда сунъийлик борга ўхшаб туюлаверади менга. Ушбу масалада Ибн Холдиннинг қарашлари ҳақиқатга анча яқин бўлса керак. Унингча, «сўфий» сўзининг ўзагини тадқиқ қилганда баъзилар зўрма-зўраки изоҳларга киришиб, қиёсан номақбул фикрларни илгари сурганлар. Сўфийлар сўф — юнг хирқа ёпинган кимсалар эмас. Улар бундай либосни кийишга хусусий бир эҳтиёж сезмаганлар. Эҳтиёж сезганлар эса сўфийларга ўхшашга интилганлар бўлган. Ибн Холдиннинг таъкидлашича, гоҳи-гоҳи сўфийларнинг орасида ҳам сўф — юнг либос кийганлар учраб турса-да бу иш «фақат зуҳд ва фақр» (Оллоҳга муҳтожлик маъносида — И. Ҳ.) сабабидан, айниқса, «фақр ҳоли билан безанишга» бир ишорат тарзида амалга оширилган.

Ибн Холдин «сўфий»нинг ўзаги ва тасаввуф йўлининг тамали «суффа»дан дегувчиларнинг даъволарини ҳам асосли равишда инкор этади.

Шаҳобиддин Сухравардийнинг «Авориф ул-маъориф»даги маълумотларга биноан, «сўфий» — туркча сўз ва у «Қуръон»да ҳам учрамайди. Афсуски, Сўхравардий туркий бўлмиш «сўфий» нима маънони билдиришини айтмаган. Озарбайжонлик олим А. Алиев қадимий туркларнинг дунёқарашида сув культи муҳим ўрин эгаллашини тасдиқловчи қатор далилларга суяниб, «сўфий» «сув» сўзидан келиб чиққан, деган хулосани билдиради. Агар масалага тасаввуфий маслак талаблари билан ёндошсак ҳам озарбайжонлик тадқиқотчининг хулосаси ўзини тўла оқлайди.

Саррожнинг ёзишича, сўфийлар «ағёр», «собит-қун», «аброр», «муқаррабун», «будлла», «сиддиқун» каби гуруҳларга ажралишган. Бундан ташқари, зоҳид, ориф, дарвеш, вази эранларга сўфий дейилмаган, лекин сўфийларга нисбатан буларга ўхшаш йигирмадан зиёд ном ишлатилган. Ҳожи Бектоши Вали орифлар ҳақида баҳс юритиб, «орифларнинг асли сувдандир ва булар маърифат тоифасидандир. Сувнинг ҳам ўзи тоза, ҳам у тозаловчидир. Шу сабабдан ориф ҳам пок ва ҳам покловчидир...», дейди. «Сувнинг асли эса жавҳардандур ва ул жавҳарнинг асли Тангри қудратидан эрур». Бу фикр, бизнингча, биринчи навбатда сўфийга тегишлидирки, улар сувдек рангсиз, сувдек шаклсиз ва инсоннинг абадийлигини таъминлайдиган «оби-ҳаёт» — боқий ҳақиқат ишқи билан нафас олганлар.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Сўфийлик тарихи қачондан бошланган?

И. ҲАҚҚУЛ: — Маълумки: мусулмонлар орасидаги энг фазилатли шахслар Расулиллоҳнинг асҳоблари ҳисобланган. Улар Ҳазрати пайғамбаримизнинг суҳбатларига мушарраф бўлганликлари учун Саҳоба дейилган. Саҳобадан кейин яшаб, уларга суҳбатдош бўлганлар Табиун номини олишган. Булар ҳам хосиятли инсонлар сифатида ўз шарафларига лойиқ кун кечириб ўтишган. Табиун издошлари Атбоуъ табиун дейилган. Ана шулардан сўнг халқ ўртасида ҳар турли ихтилофлар қўзғалиб, бир-биридан фарқли, фикр-қарашлари зиддиятли гуруҳлар ўртага чиқа бошлаган. Бу хусусда мулоҳаза юритган Абдулкарим Қушайрий ишнинг оқибати ўлароқ, «диннинг ҳукмларига буюк бир диққат ва ихлос ила риоят этган инсонларга зуҳҳод ва уббод (зоҳид ва обидлар) номи» берилганини сўзларкан, яна бундай дейди: «Анча сўнгра бидъат мазҳаблари ўртага чиқди. Ҳар мазҳаб бошқаси билан тортишиш ва халқни ўзи томонга даъват этишга бошлади... Натижада «ҳар нафасда Оллоҳ ила бўлиш» ҳолини муҳофаза этган ва ўзларида зоҳир бўлган ғафлат мусибатлардан қутилмоққа жаҳд айлаган Аҳли Суннатнинг пешқадамлари Мутасаввуф (маслаклари учун тасаввуф) отини оларок бошқалардан ажралмишлар. Бу зумранинг улуғлари ҳижрий икки юзинчи йилдан аввал ушбу исм билан машҳур бўлгандирлар. «Ибн Холдин эса сўфийлик ёшини исломнинг тузилиши билан деярли тенг кўяди: «Сўфийларнинг йўли — исломнинг илк кунларидан буён мавжуд бўлган бир ҳаракат йўли эди... Аммо ҳижрий иккинчи асрдан сўнгра дунё севгиси устун кела бошлагач, халқнинг дунёвий нарсаларга майли кучайди. Зуҳд ва тақвога йўналганлар эса «сўфий» номи ила улардан ажралдилар». Демак, тасаввуф бидъат, ғафлат, дунёпарастлик ва халқдаги парокандаликларга қарши бўлган буюк кишиларнинг маслаги ўлароқ тузилгандир.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетамизнинг 3-сонида).

Taqriz

ИБРАТ КИТОБИ

Комил инсонни тарбиялаш учун кенг қалб, мустаҳкам ирода, энг муҳими ибрат намунаси бўлиши керак. «Меҳнат» нашриёти томонидан яқинда чоп этилган «Меҳр қолур» рисоласи таниқли шоира ва давлат идораларининг бирида маънавият тарқатувчи бир инсон — Турсуной Содиқова қаламига мансубдир.

Муаллиф рисолани буюк шоир Алишер Навоийнинг «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» мисраси билан бошлаб, инсонни яхшиликларга, эзгу ишлар ижодкори бўлишга, ҳаётда учраган тўсиқ ва тўфонларни ақл, фаросат билан ёриб ўтишга даъват этади. Уни мунаввар кунлар бўлишига, бахт-саодатга эришиш ҳар кимни ҳам қўлидан келишига, фақат унга эришиш учун мураккаб жараёнлардан моҳирона ўта билиш кераклигига ўз ва ўзгалар ҳаёти мисолида ишонтиради.

Рисолани ўқиган ўқувчи Т. Содиқованинг ҳам шоира, ҳам катта педагог, умуман олганда, ҳаммаслак ҳамда устоз-мураббий деб тан олади.

Бахт нима рукнида муаллиф «Бахтнинг калити эзгуликдир», деб таъриф беради. Ҳа, эзгулик қилиш ҳамманинг вазифаси, бурчи. Лекин ҳаётда эзгулик нима, унинг маъноси нималарни ўз ичига олишини фараз қилмайдиганлар бор. Муаллиф ўз ухшатишларида бундай одамларни тарбиялашга, инсофли-тофиқли бўлишга интилган.

Андиша деб номланган рукнда Т. Содиқова яхши фазилатни таърифлайди. Андишали инженер бўлишини орзу қилади. Ҳаётий мисоллар келтиради. Уни ўқиган китобхон 16-17 ёшли қизнинг ўқитувчи томонидан таҳқирланиши, ниятларини чил-парчин қилиниши, азият чекишини тасаввур этиб у билан бирга қайғуришга мажбур бўлади.

Ҳар кимга шукроналик насиб этсин, *деб сўз бошлайди шоира. Ҳа, шукроналик инсонга хос фазилат. Аллоҳ инсоннинг кўргилигини кўп яратгандир, эҳтимол. Балки унга шу инсоннинг ўзи сабабкормикан. Ёки ота-боболаримиз нақли билан айтиш жоиздирки, қилмиш-қидирмиш орқали инсон зиддиятларга дуч келиши ва ундан чиқиш ҳоллари бу рисолада ибратли ҳикоятлар орқали ифодаланган.*

«Ҳовли олма қўшни ол» мақоли бежиз айтилмаган. Т. Содиқова қўшничиликнинг нозик томонларини «Андижондаги маҳалламиз хусусида ҳар бор ўйлаганимда юрагимда бамисоли баҳор бошланади» деб таърифлайди ва қатор мисоллар орқали бу қолимни ҳаяжон билан ўқишга ўқувчини даъват этади.

Рисолада «Туйга марҳабо!», «Бетакрор удумлар ўлмагай», «Нега қарнай чаладилар?», «Нега келинчакни кўтариб оладилар?» каби ҳар ҳудуднинг ўзига хос урф-одат, удумларини ширали сўзлар, шеърий парчалар билан безайди.

«Кибр», «Муҳаббат», «Рашк ва вафо» бўлимлари ҳаётимизда такрор-такрор учровли дамлар, иллатлар, улардан қутилиш, ёрқин ҳаётга интилиш, ор-номус каби фазилатларни улуғловчи ўгитлар мужассамлашган.

«Меҳрни аяманг» ўқитувчилик касбидаги энг нозик дамлар, талаба билан устоз орасидаги яқин, йироқ масофа, унинг мезони жуда чиройли ухшатишлар билан тасвирланганки, буни республикамиздаги барча педагоглар, ота-оналар, албатта ўқиб, ўқиб олишлари лозим.

Муаллиф наздида Ватандан улуғ нарса йўқ. Ҳа Ватан барчамизники, Ватанда яшаш, унинг муносиб фарзанди бўлиш бахт.

Мактабнинг муқаддас даргоҳ эканлигини муаллиф яхши мисоллар орқали ўқувчига етказолган. «Буюклигинг унутма, аёл!» бўлими китобхонга жуда зарур билимларни беради. «Жуфтинг — умринг устуни», «Сиз қайнонасиз» мақолалари ўқувчига ҳар томонлама насиҳатгўй бўла олади. Шоир Муҳаммад Юсуф билан суҳбат рукни орқали шоира Турсуной Содиқова сўз устаси, қалб меъмори, аёллар дўсти, дугонаси сифатида гавдаланади.

Рисола ҳар жиҳатдан пухта, ишонарли, халқ тилида ёзилган. Маънавият дарслари учун муҳим қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори

Bolalar bog'chalarida

ҚАРШИНИНГ «НАВРЎЗ»ИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

«... БИРГИНА НАБИРАМНИ ЖОЙЛАШТИРИНГ...»

Хизмат юзасидан таълим соҳасидаги қатор муассасаларда бўламиз. Ростини айтадиган бўлсак, кейинги пайтларда кўпгина болалар боғчаларида бўлганимизда мудира опаларнинг «Боғчамизда болалар сони камайиб қолди. Туловлар суммаси кўтарилиб кетди-да...» мазмунидаги «чучмал» суҳбатларини эшитамиз. Ишонинг, яқинда Қарши туманининг Бешкент қўрғонида жойлашган «Наврўз» болалар ясли-боғчасида орзу қилган бир ҳолатнинг нақд устидан чиқиб қолдим.

— Айланай қизим, шу биргина набирамни ясли-боғчангизга ола қолинг. Болаларингиз кўп бўлса, яна биттагинага кўпаяр...

«Наврўз» болалар ясли-боғчасининг мудираси Амира опа Ғофурова кекса онахоннинг илтимосини бажара олмаслигини айтиб, у кишидан узр сўради:

— Холажон, набирангизни ҳозирча бошқа бир боғчага жойлаштириб туринг, имконият топдим дегунимизча сизга хабар қиламан...

Дарҳақиқат, «Наврўз»да бўш жой йўқ, дея тушунтирди, ҳамроҳимиз Қарши тумани халқ таълими бўлими мактабгача тарбия бўлимининг бош услубчиси Муҳаббатхон Ҳусинова. Айни кунда бу ерда 115 нафар бола тарбияланаяпти. Аслида уларнинг сони роппа-роса 105 нафар бўлиши керак.

«ЖИП-ЖИП, ЖЎЖАЛАРИМ»

Аслидаям, инсон ақл-заковати-ю, кўз илғамас нафис кузатувчанлиги билан яратилган ва яратилаётган кашфиётларнинг сон-саноғи йўқ. Улар ҳисоб-китобини чиқаришнинг иложи топилмаса ҳам керагов. Шундай эмасми? Менинг фикри ожизимча, худди шундай!

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Наврўз»да яратилган митти кашфиётчилар ҳам мазмун жиҳатидан улкан кашфиётлардан қолишмайди. Тажрибали тарбиячи Насиба Амбиева раҳбарлик қилаётган «Лола» гуруҳида бунёд этилган «Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами» бурчагини қаранг. Қуй, эчки-улоқ, сигиру бузоқ, эшагу от... Қуйингки, ҳамма-ҳаммаси қўлда бежирим ясалган.

«Жип-жип, жўжаларим» деб номланган бурчакнинг жиҳозланишини айтмайсизми! Она товуқ митти-митти жўжаларини қўриқлаб турибди. Жўжалар дон ейишаяпти...

Биз тарбиячи Гулбаҳор Умирова раҳбарлик қилаётган «Бўғирсоқ» гуруҳида ва бошқа 4 та гуруҳда ҳам бири-биридан ибратли ишларнинг шоҳиди бўлдик.

Умуман, «Наврўз»да янгиланиш, миллий қадриятларимизни тиклаш бор.

«АЛИФБОНИ ЭҲМда ЎРГАНАМИЗ»

Қарши тумани ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан ўтган йили «Наврўз»да «ЭҲМ хонаси» ташкил этилди. Худди ана шу савобли ишнинг маҳсули сифатида «Наврўз»да бугунги кунда кичкинтойлар компьютер таълимидан ҳам сабоқ олмоқдалар.

— Биз кичкинтойларга «Правец-8А» маркали электрон-ҳисоблаш машинасида машғулотлар ўтамиз, — дейди ўргатувчи Муҳаббат Ражабова биз билан булган суҳбатда. — Кичкинтойлар компьютерда турли-туман қизиқарли ўйинлар ўйнашди... Биз кичкинтойларга аниқ режа асосида алифбони ҳам компьютерда ўргатаяпмиз.

Яна битта гап. «Наврўз» ясли-боғчаси «Йил тарбиячиси», «Менинг севимли ўйинчоқларим», «Соғлом авлод учун», «Ўзбекистон — Ватаним маним» каби қатор курик-танловларда ҳам Қарши тумани Қашқадарё вилоятида ўзини кўрсатган жамоалардан бири экан.

Хуллас, жамоа аъзоларининг бу борадаги тажрибалари ҳам анчагина. Доно халқимизда «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деган ибратли мақол бор. Яхшиси, ўзингиз келиб Қаршининг «Наврўз»ини бир кўриб кетинг.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти биноси уч кун давомида болалар билан гавжум бўлди. Бу ерга вилоятнинг барча туманларидан саралланган аълочи ва билимдон мактаб ўқувчилари ташриф буюришди. Улар бу ерда бўлиб ўтган фан олимпиадаларида иштирок этиб, ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Олимпиадани кўнгилдагидай ташкил этиш ва ўтказишда, айтиш мумкинки, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоасининг ҳам хизматлари катта бўлди. Бу ерда ҳар бир фан бўйича 1200 тадан тест банки яратилди. Баҳслар юз фоиз компьютерларда ўтказилди.

Фанлар бўйича ғолибликни қўлга киритган вилоятнинг энг фаол ўқувчилари олимпиаданинг навбатдаги республика босқичига қатнашиш учун йўлланма олдилар.

Раҳим ЎРОЛОВ,
институт ходими

Yaxshilar yodimizda

ТАБИАТНИ СЕВАРДИ...

Подшолик истасанг бўл эл гадоси,
Ўзингни унуту, бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутгину бўл ҳокипоси.

Паҳлавон МАҲМУД

Таклиф қоғози қўлимда. Хаёлларим пароканда булиб кетди. Чунки бу табаррук зот орамизда йўқ. Бир жиҳати, барибир, хўрсанд бўлдим. Демак, у ўқиб, таҳсил олган мактаб унинг номига қўйиладиган бўлибдида.

Ота-онасидан жуда эрта жудо бўлган, ёш успирин йигитни раҳматлик тоғаси Саидқосим ака ўз тарбиясига олди. У киши жиянининг ўқишга иштиёқини қўллаб, ёш успирин қалбида билимга рағбат уйғотди. Бўлғуси олимнинг илмга ташналиги 1947 йилдан то умрининг сўнгги йилларига қадар давом этди. Самарқанд давлат дорилфунунининг география куллиётидаги талабалик йиллари, ўқитувчилик фаолияти, Санкт-Петербург (аввалги Ленинград)даги аспирантлик.... Бу йилларда бўлғуси олим география оламини бир тилсим деб билди ва унга «ғаввос» каби шўнгиди. Номзодлик, доцентлик даражаларига эришган олим илмий жамоатчилик доирасида анча танилиб қолган эди. А. Саидовни 1969 йили Ўзбекистон Фанлар академияси география бўлимига катта илмий ходим сифатида ишга таклиф этишди. Олим бу илм даргоҳида 1974 йилнинг ноябрь ойига қадар ишлади.

Илмга чанқоқлик А. Саидовни янги манзилларга чорлади. 1978 йилда фан докторлиги даражасига эришган Асомиддин Саидов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи кенгаш бўлимида катта илмий ходим бўлиб, умрининг охиригача ишлади.

Асомиддин Саидов табиатни севарди. Пурвиқор тоғлар, чарақлаган қуёш, тип-тиниқ осмон, шарқираган сойлар унинг қалбига илҳом бағишларди. Бу бебаҳо неъматлар абадий, аммо улар ўзига нисбатан инсондан меҳр-мурувват кутишини давраларда бот-бот уқтирарди. А. Саидовнинг «Орол денгизи муаммолари», «Она табиатни асраймиз», «Муҳофазага муҳтож тошлар», «Ўзбекистонда сел ҳодисалари», «Нафосатли ландшафтлар», «Тоғ сойлари — суғориш манбаи», сингари ўнлаб асарлари география фани оламига хазина бўлиб қўшилди. Марҳум олимнинг радио ҳамда телевидение орқали чиқишлари ҳам, газета-журналларда чоп этган мақолаларининг бош мавзуи ҳам доимо Она табиатимизни асраб-авайлаш ҳақида эди.

Хотиралар гирдобида олим ўқиган мактабга йўл олдим. Қирқ сайдов қишлоғининг йигит-қизлари, олимнинг шогирдлари, туман ҳамда вилоят вакиллари, ҳамқишлоқлари, Тошкентдаги маҳалладошлари марҳум олимнинг табаррук ҳоки қўйилган қабристонни зиёрат этишди. Марҳум географ олим Асомиддин Саидовни билганлар, таниганлар эслашди, кўзларига ёш олишди.

А. Саидовдан тўртта катта монография, 150 дан ортиқ илмий ишлар қолди. Ўз устида бетиним изланиш олиб борган талабчан олим юртимизнинг ҳар бир тоғу тошини, чўлу биёбонини, зиёраттоҳ табаррук қадамжоларини кезиб чиққан эди. Шунинг учун ҳам у кишининг улкамиз географияси ҳақидаги матбуотда чиқишлари кенг халқ оммасида доимо катта қизиқиш уйғотарди. Иқтидорли олим Ватанимиз география фанининг ривожига катта ҳисса қўшди. Республикамиз география жамиятининг Ангрен бўлимига асос солди.

Турли илм даргоҳларида хизмат қилаётган шогирдлари Муродхон Ҳакимов, Марҳамат Ботирова ҳамда марҳум Садриддин Мавлоновлар илмий изланишларини бевосита А. Саидов раҳбарлигида олиб боришган эди.

У киши билан умрининг қирқ йилини биргаликда ўтказган Шафоат ая Саидова бугун умр йўлдоши йўқлигини фарзандларига сездирмай, бу хонадон чирогини ёқиб ўтирибди. Фарзандлари Қиёмиддин, Уктам, Рустам, Шарофиддин ҳамда Олимжонлар турли жабҳаларда ҳалол меҳнат қилишиб, раҳматлик оталарининг табаррук номларини доимо хотираларида эъзозлаб келишмоқда. Йигирмадан зиёд набиралари олим руҳини ёд этиб улғайишаяпти. Зеро, улар қалбида Ватанга меҳр, иштиёқ тўлиқдир.

Д. САЙИДОЛИМОВА
Самарқанд вилояти
Челак тумани
Неъмат Азимов номидаги жамоа хўжалиги

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон туман халқ таълими бўлимига қарашли 53 та мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Ватан фарзандлари», «Табиат посбонлари», «Маҳаллам ёшарсин», «Мактабим яшнасин» каби мавзуларда экологияга бағишланган иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Бу танлов асосан туман ХТБ, «Экосан» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда ўтди. Танловда 41-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Лазокатхон Абдуқодирова биринчи ўринни, 34-мактаб ўқувчиси Шаҳзодахон Йўлдошева иккинчи, 18-мактаб ўқувчиларидан Умид Шамсутдинов, Иқболжон Зариповлар учинчи ўринларни эгалладилар.

Ғолиблар «Экосан» жамғармаси туман бўлими, туман ХТБ фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шухратбек КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

Hodisa

БОЛАЛАР ЖИНОЯТЧИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИШДИ...

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 306-лицей ўз фидойи ўқитувчиларию билимдон, зукко ўқувчилари туфайли донг таратган илм масканларидан биридир. Бу ерда амалга оширилаётган ибратли ишлар бир талай. Ва биз ҳозир уларни санамоқчи эмасмиз. (Лекин кейинроқ улар ҳақида бафуржа маълумот бериш фикри ҳам йўқ эмас). Бизни айни пайтда бу лицей номини тилга олишга ундаган нарса, яқинда бу ерда юз берган бир ҳодиса тафсилотларидир. Ҳодисаким, лицей ўқувчилари — болалар жиноятчи билан юзма-юз келишди. Лекин улар бу пайтда асло довдираб қолишгани йўқ...

Хуллас, ҳодиса тафсилоти шундай: Ўтган йилнинг 24 ноябрида металл асбоб билан қуролланган Гайсин Альберт Ростямович деган шахс ўзгаларнинг мулкини ўмариш мақсадида, тахминан кундуз соат ўн икки яримларда, 306-лицей директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари хонасига бостириб киради. Ўз мақсадини амалга ошириш учун бу пайтда хонада бўлган лицейнинг 11-синф ўқувчиси Эльвира Муртазоеванинг қўлларига ва бошига металл буюм билан уриб жароҳатлайди. Сўнгра хонада турган иккита аёллар (бири лицей ўқитувчиси Мавжуда Ҳайитовага, иккинчиси ўқувчи Эльвира Муртазоевага тегишли бўлган) сумкасини олиб қочади ва жиноят содир этилган жойдан беркинишга ҳаракат қилади.

Лекин яхшики, жиноятчининг омади чопмайди. Ҳалқа йўлга чиқиб дуч келган машинага қўл кўтараётган жиноятчи А. Гайсинни лицей ўқувчилари таъқиб қилиб кела бошлайдилар. Жиноятчининг ёвуз пўписасига ҳам қарамасдан, унга биринчи бўлиб ташланган лицейнинг 11-синф ўқувчиси Дилшод Содировга тезда унинг сабоқдош ўртоқлари Азиз Қаршиев, Шерзод Абдукаримов, Абдуҳамид Жўраевлар ёрдамга етиб келишади. Натижада жиноятчи болалар томонидан ушланиб, лицейга олиб келинади. Бу ерда ўз айбига иқрор бўлган А. Р. Гайсин Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимига жўнатилади. Маълум бўлишича, таълим-тарбия масканига қўполлик билан бостириб кирган ва ўқувчи болаларнинг мардлигию чаққонлиги туфайли қўлга олинган бу нусха кўпдан бери қидирилаётган йирик жиноятчи экан.

Мазкур жараёнда ёш бўлса-да, қаҳрамонлик намунасини кўрсатган 306-лицейнинг тўртала ўқувчисига ва уларнинг ота-оналарига ҳамда ушбу лицей директори Қутби Икромовага Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими маъмурияти томонидан ташаккурнома ва рағбатлантириш эълон қилинди.

Ишончимиз комилки, Сиз ҳам азиз муштарий, бу жасур болалар ҳақида ўқий туриб беихтиёр ҳайқириб юбордингиз: Э, баракалла!

Икром БЎРИБОЕВ

Ko'ngil bitiklari

ТУЙҒУЛАР МАНЗАРАСИ

Сиз бугун «Маърифат»да шеърларини ўқиб турган шоира — Денов туманидаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Шоира Ҳасан қизи.

Биз бугун Шоиранинг шеърларини таҳлил қилиб, унга баҳо бериш фикридан йироқмиз. Бироқ шуни мамнуният билан таъкидламоқчимизки, Сурхон воҳасидан инсон ва табиат, қалб манзараларини ўзича кўра оладиган, ўзича таърифлай биладиган, шеър ва сўз қадрини, шеърият қонун-қоидаларини,. талабларини чуқур англайдиган истеъдодли ижодкор муаллима етишиб чиқяпти.

Муаллимлик ва шеъриятнинг мураккаб, бироқ хайрли довонларидан ошиб, элу юртга таниқли устоз ва шоира бўлиб етишиш йўлида Шоирага кучғайрат, туганмас илҳом, бахт-саодат ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Б. ҚУРБОНБОЕВ,
филология фанлари номзоди

ЎКСИШ

Осмонлардан, юлдузлардан тортиниб,
Булутлардан-булутларга оғиниб,
Гоҳ шабнамни, гоҳ ёмғирни соғиниб,
Нафасингни еллар ичра изладим.

Суйган нафас кипригимга инмади,
Сен-ку эламадинг, кўнглим синмади.
Дил ёмғири шаррос қуйди, тинмади
Сел остида қолиб кетди изларим.

Узоқ-узоқларга боқдим, кулмадим,
Даргоҳингда кимман ўзим, билмадим.
Ёниб ўртанмадим, бағрим тилмадим,
Мен фақат йиғладим, ўксиб ЙИҒЛАДИМ.

ОППОҚ ТУН

Аёзли кўчалар... мудроқ қишлоқча,
Музлаган ариғу сомон сувоқ том.
Завқли кўринишни босиб бағрига,
Қорайиб бормоқда ибтидоий шом.

Самонинг ердаги юлдузларидек,
Кулбамга нур сочар милтираб чироқ.
Одатда тунларнинг барчаси бирдек,
Бу кеча улардан ўзгача бироқ.

Қишнинг изғиринли шамолларидан,
Ожизгина титраб қўяр дераза.
Аёзли кечанинг совуқ қўйнида,
Хаёлим уялар, хаёлим изза.

Ях босган гул-новда хиёл эгилиб,
Мендан умид қилар андак мурувват.
Тақдирдан бир дийдор сўрамоқ бўлиб,
Мен ҳам сўз айтмоқ-чун лаб қимтиган вақт.

«САЖДА»

Оймома осмонда она тимсоли,
Юлдузлар нигоҳи дилдаги борим.
Дунёни асраган имдод мисоли,
Бешик тебратади онаизорим.

Болалик чоғимда эркалаб суюб,
Ойдин оқшомларда сочим силардинг.
Ҳатто тушларимда бахтимни сўраб,
Кафтингни тўлдириб дуо қилардинг.

Онажон, меҳрингга қалбимни тутиб,
Ҳар битта сўзингни ҳикмат деб билгум.
Бебаҳо қўлларинг кўзимга суртиб,
Табаррук пойингга саждалар қилгум.

Шоира ҲАСАН қизи

ЭЪЛОН

«ENGLISH ONE TO ONE» ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимиз ўрта мактабларига татбиқ этиш учун тавсия этилади.

Мамлакатимизда «BBC» корпорацияси лицензияси бўйича чиқарилаётган мазкур қўлланма инглиз тилини мустақил ўрганувчилар учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир.

«ENGLISH ONE TO ONE»

ўқув қўлланмасини энг арзон нархда фақат биздан топасиз.

Шунингдек, турли ҳамда сифатли канцелярия моллари ҳам пул ўтказиш йўли билан арзон нархларда сотилади.

Телефакс: 144-52-71
Телефон: 144-10-25

Xullas...

ЧЎНТАКНИНГ ЯНГИ «ДУШМАНИ»

Қўпчиликнинг оддий пальто пулини эшитиб, чўнтаги «ғижиниб» кетадиган бир пайтда, индонезияликлар қишки кийимнинг янги модасини ўйлаб топишибди. Нима эмиш... жанубий денгизларда умргузаронлик қиладиган йиртқич наҳангларнинг терисидан тикилган пальтоларни бугуннинг энг сўнгги модаси дейиш мумкин эмиш. Энди уларнинг гапига қараганда бу йиртқичнинг териси унча катта меҳнат талаб қилмайди. Борди-ю, шу «унча»гинасига эринмай биттасини сотиб олсангиз... Пальтони ёзда киймаслигингиз аён, бироқ ундан қишда, уқдан бошқа нарса утмайди. Ҳа, ишонаверинг, ёлғон бўлса индонезияликларга...

СОҚОЛ – МЎЙЛОВ ТАШВИШИ

Бугун америкалик олимлар бошқа юмуш қуриб кетгандай олдига «эксковатор»дек келадиган бир саволни қўйиб утирибди. «Одамга қўпроқ соқол зарарлими ё мўйлов?». Бу савол юзасидан Амирқо дорилфунунларидан бирининг олимлари илмий тадқиқот олиб борган. Уларнинг айтишича, бугун ҳаммамизга аёнки, экологик аҳвол қунгилдагидек эмас. Шунинг учун соқол-мўйлов ҳақида бир оз фикр қилишга мажбурмиз. Яъни чеҳрангиздаги «ажи-бужи»ларга заҳарли ҳаво ўтириб қолиши мумкин экан. Энди буёғи аён бўлса керак... Агар соқолмўйловларингизга бепарво қарайдиган бўлсангиз... Узи асрасин.

ТУШИ «ЎНГИГА» АЙЛАНГАН БЕЧОРА БОДНАР

Хориж матбуотининг ёзишича, японияик Боднар исмли «каллаварам» кечаси бешинчи қаватдан ерга сакраб юборган. Маълумки, Японияда тез-тез ер қимирлаши содир бўлиб туради. Лекин Боднар ака «сакраган» кун ер қимирламаган эди. У қаттиқ ер силкинишини тушида кўрган эди, холос. Қараса ўзи ётган бино ҳам шунқор булаяпти. Бундан қўрққан йигит шартта урнидан туриб деразадан пастга шунгийди. Хайриятки, уйқучи омон қолди. Хуллас, бу хабардан ҳисса шуки, ҳар қандай тушга ишонаверманг.

ana shunaqa gaplar

Sport

МДҲ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ

Қатор йиллардан буён ўтказилиб келинаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги мусобақасида бу йил Ўзбекистондан Тошкентнинг МСҲК командаси қатнашади. Уларнинг биринчи рақиби — Киев «Динамо»чиларидир Иккинчи Эстониянинг «Флора» ва учинчи рақиб — Бокунинг «Нефтчи» командаларидир. Кўриниб турибдики, МХСКга осон бўлмайди.

«НАВБАҲОР»нинг МУРАББИЙСИ ЎЗГАРДИ

Футбол бўйича Наманганнинг «Навбаҳор» командасининг бош мураббийси алмаштирилди. Собиқ мураббий Виктор Жалилов клуб директорлиги вазифасига ўтди. Унинг ўрнини эса Леонид Остроушко эгаллади.

«БАРСЕЛОНА» – «БОРУССИЯ» – 2:0

Европа суперкубоги учун Испаниянинг «Барселона» ҳамда Германиянинг «Боруссия» футбол командалари ўртасида биринчи учрашув Испанияда ўтказилди. Унда майдон эгалари 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. Жавоб учрашуви «Боруссия» майдонида ўтказилади.

КАРПОВга ҚОЙИЛМИЗ

Россиялик дунёга машҳур шахмат устаси Анатолий Карпов жаҳон чемпионатининг саккизинчи раундида ҳиндистонлик Вишванатан Анандни мағлубиятга учратиб яна дунё шахмат тожини ўзида сақлаб қолди. Учрашув Швейцариянинг Лозанно шаҳрида ўтказилди.

ЎЗИМИЗНИКИЛАР ҲАМ ЗЎР

Анлияда шахмат бўйича яна бир йирик халқаро мусобақа ўтказилди. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан 100 дан ортиқ спортчилар қатнашди. Унда ҳамюртимиз Михаил Салтев ҳам муваффақиятли қатнашди. У россиялик ҳамкасби билан бир хил очко тўплаб 1, 2-ўринларни бўлиб олди.

maydonchasi

ҲИКМАТЛАР

Қорин тўйгач кўз очқайди.

* * *

Феъли кенгнинг — йўли кенг.

* * *

Бахт ато этган, бахт топгайдир.

* * *

Муваффақиятига асир тушган одам енгилади.

* * *

Ҳар ким ўз тилини ўзи тишлайди.

* * *

Қинғир одамдан қинғир из қолади.

* * *

Оқишдан тўхтаган сув сасир.

* * *

Зулмкор одам зулм топқусидир.

* * *

Гўзалликда ҳам алдамчилик кўп.

* * *

Гўзалликда ҳам ниқоб бор ва ниқоби ила гўзаллик жозибалидир.

* * *

Китоб шунчалар азиз ва муқаддаски, уни битаётганда ана шу масъулиятни ҳис этиб турмоқ фарз.

* * *

Одатда китобни нонга таққослайдилар, ваҳоланки, нонни ҳам танлаб истеъмол қиларлар.

Абдулла МАДАЛИЕВ



«ОДАМИЙЛИК МАДҲИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввал, қуйида муаллифлари ва инсонийликка оид ҳикматлари келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоий:
Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ 10, 2, 18, 19. ғамидин ғами.
2. Умар Хайём:
Дунёнинг тилаги самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз,
17, 16, 4, 2, 6, 2, 12. жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кузи — гавҳари ҳам биз.
3. Аҳмад Дониш:
Яратди қудратидан барча олам,
Бериб илму 21, 13, 3, 2, 6. Халқ этди одам.
Шу одам қилди дунёни 1, 5, 22, 6, 2, 17.
Берибдур анга ҳар хил зебу зийнат.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:
Бори элга яхшилик қилғилки, мундин 20, 10, 11, 1. йўқ
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.
5. Абу Абдулло Рудакий:
Билки 19, 1, 8, 1, 3. ҳаёт берур таппа тахт,
Фозиллик, улуғлик, мардлик ҳамма вақт.
6. Низомий Ганжавий:
Инсонга навозиш — 7, 21, 23, 22, 3. ва карам,
Озодни ҳам сенга этади маҳрам.
7. Сулаймон Боқирғоний:
Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг 19, 2, 9, 6. бил.
8. Ҳайдар Хоразмий:
Тарбияту саъй қилур боғбон,
Тоза булур, мева берур 15, 16, 23, 17, 22, 3.
9. Саъдий Шерозий:
Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
24, 2, 19, 2, 17. қолгуси яхши ному иши.
10. Камолиддин Биноий:
Тўғри ҳар офатдан қутилиб кетар,
Масал бор: «Тўғрилар мақсадга 14, 17, 2, 6».

Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан йўналиш бўйича ўқиш билан XV аср улуғ форс-тожик мутаффакир шоири Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб тўрт мисра ҳикмат аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Jonzotlar olami

БЎРИ ИТЛАРДАН ҚЎРҚАДИМИ?

Йиртқич ҳайвонлар орасида бўрилар кучли, шафқатсиз, чидамли ва мағрурлиги билан ажралиб туради. Бошини ўзига хос ғурур билан юқорига кўтариб юради. Кўкраги кенг, бўйни йўғон, оёқлари узун ва кучли. Кўзлари ниҳоятда ўткир. Кўз соққасининг ички томонида ўта сезгир хужайралар бўлиб, инсон кўзи илғамайдиган энг кичик ёруғликни ҳам кўра олади. Шунинг учун кўзлари кечаси ёниб туради. Қоронғуда ҳам яхши кўради. Ҳид сезишда бўрига тенг келадиган ҳайвон камдан-кам учрайди. Жиноятчини топишда тенгсиз саналган немис овчаркаси ит билан бўрини чатиштириш орқали юзага чиқарилган. Бўри ўрмонга келаётган бир неча чаналар ичида овчи қайси бирида эканлигини билади. Ов милтиғи полиэтилин плёнкага ўралган бўлишига қарамай овчининг бўрини отиб олиш ҳақидаги фикрини илғаш хусусиятига эга. Ўрмонда қуролсиз юрган одамни осон ажратади ва ундан ҳайиқмайди. Бўрилар қиш ойлари гала-гала бўлиб, ёз ойлари икки-учтаси бирга яшайди. Соатига 80 км тезликда югура олади. Дам олмасдан бир кечада 60—70 км масофани йўртиб босиб ўтади. Чарчаш бўрилар учун бегона. Овда қўлга киритган ўлжасини 20 кг бўлса ҳам елкасида бемалол олиб кетади. Йирик ҳайвонларга, масалан, от, зубрларга 4—5 та бўлиб ҳужум қилади. Бўрилар гала бўлса ҳатто айиққа ҳам ҳужум қилади. Қишки уйқуда ётган айиқни безовта қилиб, уясини ташлаб чиқишга мажбур қилади ва галалашиб уни ейди. Жуфт ҳосил қилган бўриларнинг ўз чегараси бўлади. Тўнка ва дарахтларга ишқаланиб жунини қолдириб, белгилар қўяди ва бу жойларнинг эгаси борлигини — уқтириб қўяди.

Қиш бўрилар учун қийин кечади. Шунинг учун гала ҳосил қилишади. Галани энг кучли бўри бошқаради. Улар бирга ов қилишади, бирга ҳимояланади. Бир-бирини ҳимоя қилиш учун жонини ҳам аямайди. Бўрилар ҳаёти қаттиқ курашлар, қийинчиликлар, қиш ва очлик даҳшати остида ўтади. Галада шу қийинчиликларга дош беролмайдиганлар ўлдирилади. Оч бўлсалар еб қўяди. Шунинг учун қари бўрилар галаларга қўшилмай ўзи алоҳида яшайди ва галалардан қолган-қутган озиқ билан кун кечиради. Мана шундай қийинчиликлар, шафқатсизликларга дош бера олган бўриларгина яшаб қолади, насл беради. Бу эса авлоддан-авлодга бўрилар наслини чидамли ва яшовчан бўлишини таъминлайди.

Февраль ойида бўрилар урчий бошлайди. Ёш бўриларнинг жуфт танлашлари аёвсиз курашлар остида ўтади. Ўртача 62—65 кун деганда, жуда пухта яширинча ва инсон оёғи етиши қийин бўлган жойларда қурилган уясида 4 тадан 12 тагача бола туғади. Дастлабки ойлар она бўри болаларини ташлаб ҳеч қаерга кетмайди. Оилани эркак бўри гўшт ташиб боқади. Икки ойча болалари онасини эмади ва шундан кейин гўшт билан озиқланади. Ота-онаси навбат билан овга боради. Бўрилар бир-бири билан увиллаб хайрлашади. Эркак бўрилар овози йўғон бас тембрда бўлиб асосан «ўўў»га урғу берилади. Урғочиларида жарангдор, баритон тембрдаги овоз бўлиб, асосан «ууу»га урғу берилади. Қишлоқларга кечаси ярим тундан кейин яқинлашади. Икки-учта бўлса эртароқ келади. Қишлоқ ичига биттаси хабар олиш учун киради. Ов манзили аниқлангач, қолганларини чақиради. Ов бошланганда биттаси қоровуллик қилади ва итларни, чўпонларни чалғитиб, ўзига эргаштириб кетади. Ов тугагач, келишилган манзилда учрашадилар. Агар бошқа ўлжа топилмаса бўрилар итларни ўзига жалб қилиб олдига тушиб қочади. Бўрини қувишдан қўрқмайдиган итлар ҳийлага чалғиб, пистирмада турган бўрилар галасига дуч келади ва уларга ем бўлади. Бўрилар итлардан қўрқмаслигининг сабаби, итлар тишлаган жойини тез қўйиб юборади, узоқ тишлаб туролмайди ва тишлаган жойини узиб олмайди. Бўрилар эса тишлаган жойини узиб кетади. Итлар рақибини тўғри келган жойидан тишлайди, бу рақиб учун хавфли эмас. Бўрилар эса томоқ остидан, бўғизни тишлайди ва узиб ташлайди. Бир қишлоқда уй ҳайвонини еб кетса шу қишлоққа 15—20 кун қайтиб келмайди. Навбатдаги овни камида 10 км нарига режалаштиради. Бўрилар ҳар кун ов қилишга эриша олмайди. Қиш ойлари ўртача ҳафтада бир марта озиқланади, очликка чидайди. Ёзда 20 кунгача гўшт емай яшай олади. Ўлжасининг ёғли жойларини истеъмол қилади. Ёғ гўштга нисбатан узоқ вақт қувват манбаи бўлиб хизмат қилади. Кундузи қизил рангдан, кечаси ёруғликдан қўрқади. Табиатда бўриларнинг ўзига хос ўрни бор. Кемирувчилар ва ёввойи сут эмизувчилар сонини тартибга солиб туради, улар ўртасида турли касалликлар тарқатилишига йўл қўймайди. Ўз уясини жуда озода тутади. Қолган суякларни уясидан узоққа олиб бориб кўмиб ташлайди. Тезагини ҳам уядан 1000—2000 метр олисга ташлайди ва ўз ҳақида маълумот қолдирмайди. Бўрилар қорни тўқ бўлса жуда мағрур юрадилар ва одамларга зарар етказмайди. Оғзи қапишиб қолар экан, деган фикр нотўғри. Шунчалик хислатларга эга бўлишига қарамай оч вақтида эҳтиётсизликка йўл қўяди. Нафс оворачилиги ноқулай ҳолатларга солиб қўяди. Табиатда бўрилар сонини ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши яхши эмас, инсон ҳаётига ва чорвачиликка зиён келтириши мумкин. Аммо бўриларни табиатдан батамом қириб юбориш ҳам мумкин эмас, бу оғир оқибатларга олиб келади. Яхши чўпон ҳеч қачон қўйларини бўрига олдирмайди. Лекин қўтонга бўри ораласа хурсанд бўлади. Чўпонлар сурувга бўри ораласа барака киради деб ҳисоблайдилар.

Моҳир ва мағрурликда тенгсиз бўлган бу ҳайвонлар ўз маконида, табиат қўйнида яшашга ҳақли. Чунки табиат турли-туманлиги билан қизиқарли ва бетакрордир.

О. ЖУМАНОВ,
Булунғур туман халқ таълими бўлими назоратчиси

Урта Чирчиқ туманидаги 35-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Мавлянов Абдулатиф номига берилган № А 089614 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси «Математик таҳлил» кафедраси профессори

Азим ҲИКМАТОВ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази жамоаси шу марказнинг тарих ва ижтимоий фанлар бўлими етакчи методисти

Бердибой ЭРГАШЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Абдураҳмон ЖУРАЕВ,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0905. Тиражи 53343. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6